



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА “ФУҚАРОЛАР БИЛАН ИШЛАШ МОДУЛИ” БЎЙИЧА ЎҚИТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ.

Умаров Закир Равупович
иқтисод фанлари номзоди,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ Малака ошириш институти
Махсус-касбий фанлар кафедраси доценти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14555466>

ARTICLE INFO

Received: 19th December 2024
Accepted: 20th December 2024
Published: 25th December 2024

KEYWORDS

ABSTRACT

Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашда “Фуқаролар билан ишлаш модули” асосида ўқитишни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг 2023 йил 28 февралдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл-патруль ва патруль-пост хизмати бўлинмалари ходимларини “Фуқаролар билан ишлаш модули” бўйича узлуксиз ўқитиш тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги 98-сонли буйруғларига асосан ички ишлар органларининг бевосита фуқаролар билан мулоқотда бўладиган юқорида кўрсатилган хизматлар ходимларини узлуксиз ўқитиш жараёнини ИИБ Малака ошириш институтида ташкил этиш белгилаб берилди.

“Фуқаролар билан ишлаш модули” бўйича узлуксиз ўқитиш жараёнини самарали ташкил этиш юзасидан Ички ишлар вазирлиги ва бўлинмаларига вазифалари белгилаб берилди, хусусан ходимларни соҳавий хизматда ишлаш лаёқатини аниқлаш мақсадида ҳар уч йилда бир маротаба хизматдан ажратилган ҳолда ИИБ Малака ошириш институти базасида умумий ва махсус модуллар бўйича анъанавий шаклда узлуксиз ўқитишни ташкил этиш, ходимларда мулоқот психологияси ва муомала маданияти ҳамда ностандарт вазиятларда руҳий барқарорликни сақлаш бўйича зарур амалий кўникмаларни шакллантириш, ходимларнинг фуқаролар билан юзага келиши мумкин бўлган ностандарт вазиятларда тезкор ва адолатли қарор қабул қилишига доир интеллектуал ва касбий профессионаллигини мустаҳкамлаш, ўқув курси якуни бўйича синовлардан муваффақиятли ўтган ходимларга келгусида ушбу соҳада хизмат олиб бориш ҳуқуқини берадиган сертификатлар бериш ва шу орқали уларни тизимда самарали хизмат олиб боришлари учун шахсий масъулиятини ошириш.

Белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Малака ошириш институти профессор-ўқитувчилари томонидан “Ички ишлар органларининг Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ва Йўл-патрул хизмати ҳамда Патруль-пост хизмати ходимларини “Фуқаролар билан ишлаш модули” бўйича малакасини оширишнинг алоҳида ўқув дастур”лари тайёрланди ҳамда вазирлик раҳбарияти томонидан ўрнатилган тартибда тасдиқланди.

Мазкур дастурлар ижросини таъминлаш мақсадида, институт профессор-ўқитувчилари томонидан мавзулар шакллантирилиб, ҳар бир мавзуга доир муаммоли вазиятлар бўйича ҚР (куяр) кодли ўқув-услугий мажмуалар (кейс-стади, ақлий ҳужум, симуляция (имитация) интерфаол методларига асосланган) тайёрланиб, ўқув жараёнига татбиқ қилинди.

Шунингдек, мазкур соҳавий хизмат йўналишлари бўйича услубий-хоналар (методик кабинет) яратилиб, белгиланган соҳавий хизматлар бўйича кўп йиллик амалий тажрибага эга профессор-ўқитувчилар орасидан махсус тьютор ходимлар тайёрланди.

“Фуқаролар билан ишлаш модули” бўйича ўқитишни ташкил этишда ўқув жараёнларини соҳавий хизматларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ўқитишнинг замонавий методларига асосланган илғор педагогика, ахборот-коммуникация ва инновацион педагогик технологиялар асосида интерактив ва ноанъанавий симуляцион машғулотлар шаклида ташкил этилмоқда, машғулотларга республикадаги етакчи олий таълим муассасаларининг малакали профессор-ўқитувчилари, психологлар ҳамда Ички ишлар вазирлигининг тегишли соҳавий хизматлари мутахассис ходимларини ўрнатилган тартибда жалб этилмоқда.

Соҳавий хизматларга лавозимга янги тайинланган қуйидаги мутахассислар Модуль бўйича ўқув курсларга, қоида тариқасида, уч йилдан кейин жалб этилади: ИИБ Академиясининг кундузги ва сиртқи таълим шакли бакалавриат босқичи битирувчилари, Малака ошириш институт касбий тайёргарлик факультети битирувчилари, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетининг йўл-патруль ва патруль-пост хизматларининг қўмондонлик-тактик фаолияти мутахассислигини тамомлаган битирувчилар.

Ўқув курсларига жалб этилган тингловчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади, ўқув дастурида назарда тутилган билимларни эгаллаш, ўқув жараёнини янада яхшилаш, малака ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича раҳбарият ва профессор-ўқитувчиларга таклифлар киритиш, маънавий-маърифий ва маданий тадбирларда катнашиш, малака ошириш билан боғлиқ бўлган қўшимча маълумотлар ва маслаҳатлар олиш, таълим муассасасининг ахборот-ресурс маркази, ўқув хоналари ва компьютер техника воситаларидан фойдаланиш, якуний синов (имтиҳон) натижалари бўйича юқори турувчи раҳбарга шикоят қилиш.

“Фуқаролар билан ишлаш модули” бўйича узлуксиз малака ошириш тизимида ўқув жараёнлари давлат таълим талаблари, ўқув режаси ва дастурлари ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатлар талаблари, шунингдек таълим муассасаси (МОИ) нинг Устави асосида амалга оширилади. Ўқув жараёни ўқув курсларига жалб этилган тингловчиларни соҳавий хизматлар бўйича алоҳида кичик ўқув гуруҳларга ажратган ҳолда ташкил этилган.

Ўқув машғулотлари 144 соатга мўлжалланган ўқув режаси ва дастури асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл-патруль ва патруль-пост хизмати фаолияти йўналишларида бўйича анаънавий шаклда, умумий ва махсус блоклар бўйича ўтказилади.

Умумий блок ўқув машғулотлари 36 соатга мўлжалланган Модуль бўйича барча фаолият йўналишлари учун жисмоний ва жанговар, мулоқот маданияти, психологик ва юридик тайёргарлик ҳамда “Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси” бўйича ташкил этилган.

Махсус блок 104 соатга мўлжалланган ностандарт ва мураккаб муаммоли вазиятларда ходимларнинг фуқаролар билан мулоқот жараёнига доир модуллар бўйича ҳар бир фаолият йўналиши учун алоҳида ситуацион ўқув машғулотлар тарзида ташкил этилган.

Ўқув машғулотларида тингловчилар билими оралиқ ва якуний назорат орқали баҳоланади. Оралиқ назорат ҳар бир модуль якуни бўйича қабул қилинади ҳамда модуль туридан қатъи назар, икки ва ундан ортиқ модуль бўйича ижобий баҳоланмаган тингловчилар блок якунида қабул қилинадиган якуний синов имтиҳонига қўйилмайди.

Ўқув машғулотлар ҳар бир модулнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда семинар, мустақил таълим ва амалий машғулот шаклида ташкил этилган.

Ўқув машғулотлари соҳавий хизматларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ўқитишнинг замонавий методларига асосланган илғор педагогика, ахборот-коммуникация ва инновацион педагогик-технологиялар асосида интерактив ва ноанъанавий симуляцион машғулотлар шаклида ташкил этилмоқда.

Ҳар бир йўналиш бўйича ўқув машғулотларига Вазирлик таркибий тузилмалари раҳбарлари ва мутахассислари режа-жадвал асосида жалб этилган Жумладан: **жанговар ва жисмоний тайёргарлик бўйича** - Махсус операцияларни мувофиқлаштириш ҳамда Жисмоний ва жанговар тайёргарлик бошқармалари, **юримдик тайёргарлик бўйича** - Вазирлик Академияси, **ахборот технологиялари бўйича** - Киберхавфсизлик маркази, Ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш ҳамда Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармалари, **психологик тайёргарлик бўйича** - Психологик таъминлаш бўлими психологлари.

Шунингдек **хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти бўйича** - Хуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ҳамда Жамоат хавфсизлиги масалалари илмий-амалий тадқиқотлар маркази, **йўл-патруль хизмати фаолияти бўйича** - Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати, **патруль-пост хизмати фаолияти бўйича** - Жамоат тартибини сақлаш хизмати.

Бундан ташқари ўқув машғулотларига республиканинг бошқа етакчи олий таълим муассасаларининг малакали профессор-ўқитувчилари ва психологлари ҳам жалб этилмоқдаги бу каби ҳамкорликлар натижасида ходимларни касбий жихатдан профессионал тайёргарлик даражаси ошишига хизмат қилмоқда.

Ўқув дастурларида ситуацион амалий машғулотлар орқали ностандарт шароитларда тезкор қарор қабул қилиш, вазиятни тўғри баҳолаш, мулоқот психологияси, шунингдек, жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қуролларни қўллаш жараёнида тингловчилар учун зарур бўлган касбий компетентликни шакллантиришни назарда тутувчи ўқитишнинг усуллари ва инновацион педагогик технологиялар акс эттирилган.

Ўқув жараёни сифати ва таълим мазмуни амалдаги норматив-хуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, Институт раҳбарияти ва Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти Таълим жараёнини ташкил этиш бошқармаси ходимлари томонидан режали ва режадан ташқари педагогик назоратлар ўтказиш орқали ўрганиб борилиши йўлга қўйилган.

Ўқув машғулотларида фойдаланиш учун соҳавий хизматларда фуқаролар билан ишлаш жараёнида юзага келган муаммоли вазиятлар, ижтимоий тармоқларда муҳокама қилинган ҳолатлар бўйича материаллар ва статистик маълумотлар Вазирлик Жамоат хавфсизлиги департаменти ҳамда Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти Маънавий-маърифий ишлар хизмати томонидан ҳар чоракда Институтга тақдим этиб борилиши белгиланган.

Институт томонидан ҳар олти ойда соҳавий хизматлар фаолиятига доир муаммоли вазиятлар бўйича ситуацион ўқув машғулотларни ўтказиш режаси, сценарийси,

казуслар тўплами ҳамда уни ягона ечимини ўз ичига оловчи методикалар ишлаб чиқилди.

Ҳар бир модуль бўйича ўтказилган ситуацион ўқув машғулотлар тасвирга олиниб, видеолавҳалар ишлаб чиқилди ва ўқув машғулотлари давомида фойдаланилмоқда.

Ўқув машғулотлари якунида ҳар бир соҳавий хизмат йўналишлари бўйича якуний синовлар қабул қилинади.

Модуль давомида таълим оловчиларнинг ўқув режаси ва ўқув дастурларида назарда тутилган модуллар ва мавзуларни ўзлашгиргани, шунингдек уларнинг келгусида ушбу соҳавий хизматда ишлаш лаёқатини аниқлаш мақсадида якуний синовлар қабул қилинади. Якуний синовлар Институт бошлиғи томонидан тасдиқланган жадвалга асосан ҳар бир соҳавий хизмат йўналишлари учун махсус-техник воситалар билан жиҳозланган махсус ўқув хоналари ёки муайян ҳолат ва вазиятлар модуляция қилинган очиқ майдонларда ўтказилиши белгиланган. Якуний синовлар видеотасвирга олиниши кўзда тутилган. Якуний синовлар соҳавий хизматларнинг масъул раҳбарлари, Вазирлик таълим муассасалари, бошқа олий таълим муассасаларининг ўқув-услубий ишлар соҳасидаги тажрибали раҳбар ва профессор-ўқитувчиларидан иборат комиссиялар томонидан қабул қилинади.

Якуний синовларни қабул қилиш учун Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти бошлиғининг фармойиши билан тасдиқланиш тартиби белгиланган.

Тингловчиларга якуний синов топшириш юзасидан улар ўқув курсларига жалб этилган биринчи кунда, якуний синовнинг шартлари, баҳолаш мезонлари ҳамда топшириш тартиби бўйича синов бошланишидан олдин комиссиялар котиби томонидан маслаҳатлар ўтказилади.

Тингловчилар якуний синовларда узрли сабабларга кўра иштирок эта олмасалар бу ҳақда комиссия котибига дарҳол хабар беришлари шарт. Узрли сабабларга кўра синовга келмаган тингловчилар бошқа ўқув гуруҳидан қабул қилинадиган синовларда ёки кейинги ўқув курсининг якунида қабул қилинадиган синовда иштирок этишлари мумкин.

Модуль бўйича якуний синовлар учун ҳар бир ўқув курси бошланишидан олдин Институт томонидан синов имтиҳони учун амалий ва назарий савол-топшириқлар мажмуи ишлаб чиқилди.

Жорий ўқув курслари якунида фойдаланилган якуний синов савол-топшириқлари амалиётдаги муаммоли вазиятлардан келиб чиқиб, кейинги ташкил этиладиган ўқув курслари учун камида 30 фоизи янгиланиб борилади.

Модуль бўйича якуний синовларни муваффақиятли тамомлаган тингловчиларга белгиланган намунадаги сертификат берилади. Сертификат олган ходимлар муқаддам ўзлари фаолият юритиб келган соҳавий хизматларда келгуси уч йилда фаолият олиб бориш ҳуқуқига эга бўлишади.

Якуний синовда салбий баҳолангани учун сертификат берилмаган тингловчиларга, агар оралиқ синовларни яхши ва аъло баҳоларга топширган бўлса, якуний синовларни қайта топширишлари учун бир маротаба рухсат берилади.

Якуний суҳбат натижалари комиссия котиби ва аъзолари томонидан имзоланадиган ҳамда комиссия раиси томонидан тасдиқланадиган қайднома шаклида расмийлаштирилади.

Якуний синовлардан салбий баҳолангани учун сертификат берилмаган ходимлар ўқув модули бўйича ўқув дастурларини ўзлаштирмаган деб топилади ҳамда улар тўғрисида уч иш куни давомида Институт бошлиғи номидан Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти ва ҳудудий бўлинмаларга хабарнома юборилади.

Тегишли сертификатни олмаган ходимлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ-3413-сон қарори билан тасдиқланган “Ички шплар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом” талабларига асосан ички ишлар органларида хизматда қолиш ёки қолмаслик масаласи Вазирликнинг таркибий тузилмалари ва ҳудудий бўлинмаларидаги навбатдан ташқари аттестация комиссиялари томонидан кўриб чиқилади.

Модуль якуни бўйича малака оширган ходимлар сертификат олган ёки олмаганидан қатъи назар комиссия котиблари томонидан “Е-о‘quv modul” электрон ахборот платформасига киритилади.

Шу ўринда айтиш лозимки модуль бўйича ташкил этилган ҳар бир малака ошириш курси бўйича тўпланган ҳужжатлар йигмажилдга тикилиб, ўрнатилган тартибда уч йил муддат давомида сақланади. Сертификат ходимнинг шахсий ҳужжатлар йигмажилдига тикилади ҳамда келгуси уч йил давомида мазкур соҳавий хизматда фаолият олиб бориши учун асос бўлади.

Якуний синов натижаларидан норози бўлган ходимлар синов натижалари эълон қилингандан сўнг бир кун муддатда апелляция комиссиясига шикоят қилиши мумкин. Апелляция комиссияси томонидан такдим этилган шикоятлар улар тушган кундан бошлаб қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган муддатда мурожаат қилган номзод иштирокида кўриб чиқилади. Шикоят асосли деб топилганда, комиссия томонидан имзоланган қайдномага тегишли ўзгартириш киритилади ҳамда ходимга сертификат берилади. Шикоят кўриб чиқиладиган вақтда ходимга қайдномада қўйилган якуний синов баҳосининг аҳамияти сақланиб туради. Шикоятни кўриб чиқиш натижаси бўйича қабул қилинган хулоса якуний қарор ҳисобланади.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, ИИБ Малака ошириш институтининг жамоаси, Ички ишлар вазирлигининг тегишли соҳавий хизматлари билан ҳамкорликда, мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда ички ишлар органлари ходимларини **«Инсон қадри учун»** тамойили асосида давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз бурчига содиқ, ватанпарвар ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали аҳолининг чинакам розилигига эришишда, маънавий-маърифий ишларни **«таълим муассасасидан – хизматнинг охирига қадар»** тамойили асосида тизимли ва узлуксиз ташкил этиш орқали хизмат фаолиятининг самарадорлиги ҳамда таъсирчанлигини ошириш учун ўзларининг бор куч, ғайратлари ва билим-тажрибаларини сафарбар этмоқдалар.